

## Тазкия 180-дарс. Манманликнинг зарарлари ва унинг давоси



19:00 / 10.04.2022 4553

1. Манманлик гуноҳларни унутишга ва тавбани кечиктиришга олиб боради.
2. Манманлик тоатларни озайтиришга ва уларда нуқсонга йўл қўйишга олиб боради.
3. Манман кишининг ҳаракатлари беҳудадир.
4. Манманлик ғурурга ва одамлардан ўзини юқори тутишга олиб боради ва уларнинг ёмон кўришларига сабаб бўлади.
5. Манманлик қилувчи ўзини ўзи ҳалок қилади.





Хато фикрга суяниб манманлик қилиш ҳам жуда ёмон нарса. Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

ءَاشَرَی نَمَّیْ دَهَّیْ وَّءَاشَرَی نَمَّ لَضَّیْ ۝ لَلَّۤا نِ اِ فِ اَنْ سَحِّ ۝ اَرْ فِ ۝ لَمَّ عْ ۝ ؤُ سْ ۝ هَلَّ نَّ یُّ ز نَمَّ فَا  
نَّ وَّعَنْ صَّیْ اَمَّ بْ ۝ مَّ یْلَعَّ ۝ لَلَّۤا نِ اِ ت اَرْ سَحِّ ۝ مَّ ۝ یْلَعَّ ۝ کُ سْ ۝ فَنْ ۝ بَّ ۝ دَتَّ ۝ اَلَّ فِ

**«Ахир қилган ёмон амали ўзига чиройли кўрсатилиб, уни яхши деб билган киши(дан яхшилик чиқармиди)?!»** деган (8-оят).

Бу манманликни даволаш бошқаларидан кўра мушкул. Ўз фикри ила манманлик қиладиган одам бировнинг насиҳатига қулоқ осмайди. Ўзи нажот деб эътиқод қиладиган нарсани қандай ҳам тарк этиши мумкин?!

Бунинг давоси ўз фикрини доимо танқид остига қўйиш ва у билан ғурурга кетмасликка одатланиш орқали бўлади. Ўз фикрига Қуръони Каримдан, Суннатдан ва шартлари тўлиқ бўлган ақлий далиллардан шоҳид келтириш билан бўлади. Бу эса Қуръони Карим ва Суннатни яхши билиш ва уламолар мажлисини лозим тутиш орқали амалга ошади.

Умр бўйи илм билан машғул бўлишни ўзига ихтиёр қилмаган киши мазҳаблар орасидаги тортишувларга ўзини урмаслиги лозим. У уламолар баён қилган маънолар билан кифояланади. Тақвони лозим тутати ва тоатларни кўпайтиради.

Ким мазҳабларга ўзини урса ва қўлидан келмаган илмий баҳсларга кўмилса, ҳалокатга учрайди.

**«Руҳий тарбия» китоби асосида тайёрланди**